БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Р.Т.Шамсутдинов

В статье обобщен опыт кафедры истории Узбекистана по выполнению выпускных квалификационных работ бакалавров, разработаны рекомендации по улучшению деятельности выпускающих кафедр в этом направлении.

In this article the experience of the department of history of Uzbekistan on performance of final qualifying jobs of the bachelors is generalized, the recommendations for improvement of activity of letting out departments in this direction are developed.

Олий ўқув юртларида бакалавр таълимининг сўнгги босқичида битирув малакавий ишлар(БМИ)ни сифатли, ижодий, мустақил, ҳозирги замон талаби даражасида тайёрлашнинг аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31 декабр №362 сонли буйруғи [1] билан белгилаб берилган. Шу асосда ишлаб чиқилиб университет ўқув жараёнида қўлланган методик қўлланмада ушбу ўқув ишининг мақсад-моҳияти қуйидагича изоҳланган: “Ҳар қандай университет нуфузи, биринчи галда у етиштираётган мутахассис савияси билан белгиланади. Битирув малакавий иш эса бўлғуси мутахассиснинг ихтисослик бўйича билимлари доирасини, илмий-ижодий фикрлай олиш даражаси, мустақил ишлаш, мустақил равишда конкрет масалаларни ҳал қила олиш қобилиятини яққол намоён этиб туради. Бас шундай экан, бу борада устозу талабалар муддаоси, мақсади битта бўлиши лозим: токи, бизда бажарилаётган битирув малакавий ишлари жаҳондаги энг нуфузли университетлар битирувчиларининг ишлари билан бўйлаша олсин”[2].

Дарҳақиқат, бакалаврият йўналишлари битирувчиларининг ихтисослик бўйича БМИ ёзиши ва ҳимоя қилишининг йўлга қўйилиши шу эзгу мақсадни кўзлайди. Афсуски, ушбу ўқув ишининг жорий этилганига ўн йил бўлганига қарамай, ҳали бу борада кўнгилни тўлдира оладиган натижага эриша олмадик. Шу сабаб айрим ҳамкасбларда БМИларнинг жорий қилингани мақсадга мувофиқ эмас, улар кутилган самарани бермайди, тарзидаги скептик қараш ҳам шаклланганки, унга қўшилиб бўлмайди. Бизнингча, бу ҳол ўқув жараёнига БМИларнинг татбиқ этилгани эмас, аввало, уларни қандай жорий қилаётганимиз билан боғлиқ. Кўп йиллик тажрибамга таяниб айтаманки, БМИларни ҳар жиҳатдан ўйлаб татбиқ этилган, улар юқори малакали рақобатбардош илмий-педагогик кадрлар етиштиришда жуда муҳим. Фақат биздан бу ишга виждонан ёндашиш, уни кўзланган мақсадни бир лаҳза ҳам унутмаган ҳолда амалга ошириш талаб этилади.

Фикрларимни биргина Ўзбекистон тарихи кафедраси мисолида ойдинлаштиришга ҳаракат қиламан.

2009-2010 ўқув йилида Ўзбекистон тарихи кафедраси бўйича 77 битирувчи БМИ ёзиб ҳимоя қилиши керак. Кафедра иш ҳажмида БМИ га илмий раҳбарлик учун 1925 соат, тақриз қилиш учун 385 соат, БМИ давлат аттестация хайъатида қатнашиш учун 90 соат, жами 2400 соат ажратилган ва ўқитувчилар ўқув юкламасига киритилган. Яъни, кафедрада тўлиқ штатда ишлаётган 16 нафар ўқитувчининг ҳар бирига ўртача 150 соат ҳажмдаги ўқув юклама БМИлар ҳисобидан берилмоқдаки, бу йиллик ўқув юкламанинг 13-14 фоизини ташкил этади. Кўриб турганимиздек, кафедра иш ҳажмининг салмоқли қисми БМИлар ҳисобидан берилган, бошқача айтсак, ушбу ўқув ишини жорий этишдан кўзланган мақсад моддий жиҳатдан таъминланган. Шундай экан, ҳар бир педагогнинг шу мақсадга эришилиши учун шахсий масъуллигини теран ҳис қилиши, БМИларнинг сифатли бажарилишини таъминлашни зиммасидаги асосий вазифалардан деб билмоғи қонун мақомида, зеро, “нонни ҳалоллаб ейиш” талаби ҳам шуни тақозо этади. Афсуски, амалда бу нарса доим ҳам кузатилмаяпти, бу муҳим вазифага айрим ҳолларда бефарқ қаралмоқда, жиддий аҳамият берилмаётир, масъулиятсизликка йўл қўйилаётир.

Илмий раҳбарларнинг ўз вазифасига маъсулиятсизлик билан қараши, касбига ҳурматсизлик, вазифасига инсоф, виждон амри билан ёндашмаслик ҳоллари кўзга ташланмоқда. Энг ёмони, масъулиятсизлик фақат илмий раҳбарлар эмас, БМИларнинг бевосита бажарувчиси бўлган талабалар, ишга тақриз ёзиб бераётган мутахассислар, ҳимоя чоғида уларни муҳокама этиб холис баҳолаши керак бўлган ДАҲга ҳам хосдир. Айрим БМИларининг саёзлиги, талабанинг эгаллаётган ихтисоси бўйича олган билимларини амалда қўллай олиш даражасини кўрсатиш эмас, амал-тақал қилиб ёқлаб олиш мақсади билан ёзилган, плагиат ва компилляциядан ҳоли бўлмаган ишлар

учраётгани, ДАҲга тақдим этилган тақризларнинг аксарият ҳолларда қуруқ шаблон бўлиб қолаётгани, ҳимояларнинг номигагина "ҳимоя" бўлиб қолаётгани — буларнинг бари онгимизга сингиб қолган масъулиятсизлик оқибати бўлиб, бу ҳол бизни кўзланган мақсаддан узоқлаштиради. Дангалига кўчиб, ҳодисани ўз номи билан атасак, бу — миллатнинг, илмимизнинг эртасини ўйламаслик, фақат бугунги кун билан яшаб бурнидан нарини кўрмаслик, ўзини боқаётган касбни хор қилиш, илмига амал қилмаслик кўринишидаги жоҳиллик, луқмасини ҳалоллаб олишни ўйламаслик, бир сўз билан айтганда, маънавиятсизликдир.

Бундай салбий холатларга чек қўйиш мақсадида кафедрамиз БМИни бажаришда битирувчи, илмий раҳбар, умуман кафедра аъзоларининг маъсулиятини ошириш, БМИларининг илмий, назарий, услубий, мафкуравий-ғоявий савиясини кўтаришга ҳаракат қилмоқда. БМИ мавзуларини амалиёт билан, ҳаёт билан, тарихимизнинг долзарб масалалари билан узвий боғлаш кафедра фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолди. Кафедра тавсия этилаётган БМИ мавзуларининг битирувчилардан мустақил изланиш, ҳар бир тарихий воқеа ва фактга ижодий ёндашишни талаб этадиган бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Токи БМИни бажариш жараёнида талаба китоблар, архив ҳужжатларидан унумли фойдалансин, воқеаларнинг иштирокчиларини топиб, уларнинг эсдаликларини ёзиб олсин, янги манбалар (ҳужжат, сурат ва ш.к.)ни излаб топиб, уларни тартибга солиш, таҳлил қилиш орқали ўзида илмий-тарихий умумлашмалар қила олиш кўникмасини шакллантира олсин. Шу мақсаддан келиб чиқиб 2008-2009 ўқув йилида кафедра БМИ ни бажаришга янгича ёндашувни тажриба сифатида синовдан ўтказди. Кафедрамиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, қўллаб кўрилган тажриба университетимизда бажарилаётган БМИлар сифатини яхшилашга фойдали бўлар, деган ниятда унинг дастлабки натижалари билан ўртоқлашишга жазм қилдик.

Аввало, БМИлар мавзулари юқорида айтилган талабларга мос ҳолда белгиланди: улар кафедранинг "Ўзбекистон Чор Россияси ва совет мустамлакачилиги даврида (1867-1991 йиллар)" номли илмий йўналишнинг бир шаҳобчаси — "Ўзбекистонда советларнинг 1937-1938 йилларда ўтказган "Катта террор" ёки "қулоқлар операцияси" ва унинг фожеали оқибатлари" мавзуси доирасидан олинди. Маълумки, 2005-2009 йилларда кафедрамиз "Мерос" халқаро илмий-амалий экспедицияси жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда 1937-1938 йилларда қатағон қилинганлар ҳақидаги маълумотларни акс эттирувчи 5 та тўпламни нашрдан чиқариб кенг илмий жамоатчиликка тақдим этди. Жумладан, бешинчи китобда 1938 йил февралининг 8, сентябрининг 2 кунида "учлик"нинг қарори билан отувга, 8 йил 10 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган 2966 киши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Аёнки, бу рақамларнинг ҳар бири остида конкрет бир инсон, оила тақдири ётибди. Бироқ, табиийки, тўпламлардан жой олган айблов хулосалари бу ҳақда тўлиқ маълумот бера олмайди. Масалан, айблов хулосасидан қатағон қилинганлардан бири ҳақида қуйидагилар маълум бўлади:

Акбархонов Эшонхон Тўра – 1872 йили туғилган, ўзбек, Балиқчи район Ниёзмасжид қишлоғидан, руҳоний, имом, ғалла тайёрлашга саботаж қилгани учун 1933 йили судланган ва 100 сўм жарима тўлаган. Унга аксилинқилобий ташкилотда бўлиб Афғонистондан хат олиб, совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган, Ўзбекистонда мусулмонобод давлати ташкил этиш мақсадида Балиқчи районида аксилинқилобий гуруҳ тузиш учун чоралар кўрган, деган айб қўйилган. "Учлик"нинг 1937 йил 10 августдаги йиғилишида бу маҳбус отувга ҳукм этилган.

Аввало, бу инсоннинг ҳаёт йўли, ўтмиши, қисмати, насл- насаби, унинг ортида қолган оила аъзоларини, яқинларини қизиқтириши табийдир. Иккинчидан, айблов хулосасидаги "ғалла тайёрлашга саботаж", "аксилинқилобий гуруҳ тузиш учун чоралар" кўрилгани ҳақидаги қисқа жумлалар остида конкрет воқеалар борки, улар ҳақида маълумот йиғиш ўтмиш ҳақидаги тасаввурларни бойитиши шубҳасиздир. Шуни назарда тутган ҳолда кафедра қатағон қурбонлари ҳақида батафсил маълумотлар излаб топиш, уларнинг яқинлари, оила аъзоларида сақланиб қолган ашёлар, сурат, ҳужжат, мактубларни тўплаш, воқеага дахлдор одамларнинг эсдаликларини ёзиб олишни йўлга қўйди. Бунинг учун БМИни бажариш қишлоқлар, шаҳарлар бўйича илмий экспедициялар уюштириш орқали амалга оширилди. Ҳар бир битирувчига ўзи яшаб турган туман, қишлоқ, шаҳардан қатағон қилинганлардан 4 нафари тадқиқот объекти қилиб берилди.

Бунда маҳаллий газета, радио, телевидениедан фойдаланилди, улар орқали аҳолига мурожаат қилинди: қатағон қурбонлари номма-ном келтирилди, уларнинг яқинлари, қавм-қариндошларидан маълумотлар йиғишга кўмак сўралди. Жумладан, "Андижоннома"га берилган эълонда: "Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси ва "Мерос" халқаро илмий -амалий экспедиция хайрия жамғармаси 1937-1938 йиллардаги "Катта террор" ёки "Қулоқлар операцияси"да қатағон

қилинганларнинг хаёт йўли, қисмати, тақдири, ҳақида хотира китобини яратишмоқда, улар номма- ном аниқланган. Бироқ қатағон қилинганларнинг яқинлари, қариндош уруғлари, танишларида сақланиб қолган хужжатлар, расмлар, эсдаликлар бўлиши мумкинлигини эътиборга олиб, қуйида 1938 йил феврал ойида Андижон шаҳридан отувга ҳукм қилинган юртдошлар ҳақида қисқача маълумот бермоқдамиз. Уларни билганлар, яқинлари бизга мурожаат қилишларини илтимос этамиз",- дейилади. Бу каби мурожаатлар акс-садо уйғотди, қатағон қурбонларининг авлодлари, яқинлари ўзлари ҳақида хабар бердилар.

Кафедра аъзолари БМИ бажарувчилар билан биргаликда Хўжабод, Булоқбоши, Бўтақора, Ниёзботир, Жалалқудуқ, Ойим, Марҳамат, Пойтуғ, Тўрткўл, Андижон шаҳри, Наманган вилояти Норин тумани Қайқи қишлоқларига илмий экспедициялар уюштирдилар. Жуда катта манба: аудио ва видео материаллар, эсдаликлар, суратлар, ҳужжатлар тўпланди. Улар БМИлар учун манба бўлиб хизмат қилди. Шу йўл билан бажарилгани, чинакам илмий изланиш маҳсули бўлгани учун ҳам БМИ ҳимоялари юқори савияда ўтди. Ватан тарихи йўналиши бўйича ҳимояга қўйилган 71 нафар битирувчидан 56 нафари ўз БМИларини "аъло"га, 14 нафари "яхши", 1 нафари "қониқарли" баҳога ҳимоя қилди. Битирувчи Қорабоева Шахлонинг БМИ юқори баҳоланиб, ҳайъат қарори билан намунали иш, тадқиқот сифатида Республика танловига тақдим этилди. Энг муҳими, ҳимоя жараёнида кўтаринки илмий-ижодий руҳ ҳукмрон бўлди, чунки талабалар том маънода **ўз илмий изланишлари самарас**ини муҳокамага қўйган эдилар. Бунинг асосий сабаби мавзунинг тўғри белгиланган, БМИга тўғри муносабатнинг шакллантирилганидадир. Ҳимоя жараёнида талабаларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, БМИ ҳимояларини замонавий техник воситалар — видео ва аудио ускуналардан фодаланиб, слайдлар намойиши билан ўтказилгани, битирувчилар томонидан мазмундор стендлар, кўргазмали қуроллар тайёрлангани ҳам шунинг натижасидир. Бундай руҳда ўтган ҳимоя жараёнида иштирок этган Вазирлик ва ДТМ вакиллари ҳам кафедранинг БМИларни бажариш ва ҳимоясини юқори савияда, намунали ташкил этгани, ҳимояга тақдим этилган аксарият ишларнинг илмий-тадқиқот савияси юқори даражада эканини таъкидлаб миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Тажрибанинг илк мевалари кафедрани руҳлантирди, кейинги йилларда бундан-да юқори натижаларни кўзлаган ҳолда иш ташкил қилишга келишиб олинди. Жумладан, 2008-2009 ўқув йили тугаши олдидан янги 2009-2010 ўқув йил битирувчиларига ўзлари яшаб турган туман, шаҳардаги қатағон қилинганлардан 296 кишининг ҳаёт йўли, қисматини ёритиб бериш, уларнинг яқинлари, оила аъзолари, қариндошларини аниқлаш, зарур маълумотлар йиғиш вазифа қилиб қўйилди. Яъни, амалда бу ўқув йилида бажариладиган БМИлар устидаги иш бошланди: БМИ мавзулари белгиланди, илмий раҳбарлик қилувчилар аниқланди. Улар талаба билан боғланиб, БМИ мавзуси, мавзуга оид мавжуд манба ва материаллар билан биргаликда танишиб чиқдилар. Битирув олди амалиёти олдидан мавзуга оид манбалар(сақланиб қолган хужжатлар, хатлар, суратлар)ни ўрганиш, уларни тизимга солиш, қидирув ишларини олиб бориш тартиби ва усуллари, қатағон қурбонларининг авлодлари хотираларини ёзиб олиш ва расмийлаштириш тартиби каби масалалар бўйича етакчи мутахассислар (проф. Р.Т.Шамсутдинов, доц. С.Хошимов, т.ф.н. О.Комилов) томонидан маслаҳатлар берилди, методик йўриқномалар ишлаб чиқилди. Амалиёт сўнгида мавзуларни янада аниқлаштириб, ҳар бир талабага БМИни бажариш бўйича тақвимий режа-топшириқ ишлаб чиқилди, таътил давомида бажариладиган ишлар белгиланди. Янги ўқув йили бошида битирувчилар кафедра йиғилишида илмий раҳбарлари билан биргаликда БМИ бўйича қилинган ишлар юзасидан ҳисобот берадилар, қилинган ишлар таҳлил қилиниб, навбатдаги вазифалар аниқланади. Умидимиз шуки, амалга оширилган мазкур ишлар келгуси ўқув йилида кафедрада БМИларнинг янада юқорироқ савияда бажарилишига пухта замин ҳозирлайди. Талабалар БМИларини ёзиш, ҳимояга тайёрлаш жараёнида мустақил илмий тадқиқот ишлари олиб бориш малака ва кўникмаларини эгаллайдилар, бу эса таълимнинг навбатдаги босқичларида, магистрлик ва номзодлик диссертацияларини тайёрлаш ва ёқлашда мустаҳкам пойдевор бўлади.

Шу ўринда яна бир мулоҳазага тўхтаб ўтиш лозим. Жорий ўқув йилининг 5-семестрида Ўзбекистон тарихидан 163 нафар талаба курс иши ёзган бўлса, худди шу талабалар 7 семестрда ҳам курс иши ёзиб ҳимоя қилиш лозим. Кафедра курс ишлари га БМИ ёзишга тайёргарлик босқичи сифатида қараб, улар билан БМИлар алоқадорлигини таъминлаш йўлидан бормоқда. Зеро, бизнингча, курс ишлари мавзулари ҳам кафедарнинг "Ўзбекистоннинг Чор Россияси ва совет мустамлакачилиги даври тарихи (1867-1991 йиллар)" номли илмий йўналиши доирасида бўлиши ҳар жиҳатдан маъқулдир. Чунки бу ҳолда, **биринчидан**, талаба илмий раҳбар кўмагида муайян мавзуни изчил ўрганади, бу эса пировард натижада унинг мавзуни атрофлича ва чуқур билишини

таъминлайди; **иккинчидан**, мавзуни ўрганишда "соддадан мураккабга" йўлидан борилади, бу эса талабанинг илмий тадқиқот методикасини аста-секин ўзлаштириб боришига ва пировард натижада тадқиқотчилик малакасини пухта эгаллашига замин бўлади. Шундан келиб чиқиб, курс ишига қўйиладиган талаблар ҳам даражаланади: **биринчи курс иши** мавзуга оид адабиётлар, даврий нашрлардаги маълумотномалар, энциклопедия материаллари кабиларни ўрганишга қаратилган рефератив йўналишда бажарилади. Бунда илмий раҳбарларнинг талаба диққат-эътиборини мавзунинг ёритилиш босқичлари, ёндашувларнинг турличалиги ва бунинг сабаблари, қўлланган тадқиқот усулларига қаратиши муҳимдир. **Иккинчи курс иши** эса мавзу бўйича ҳали илмий истеъмолга киритилмаган манбалар(архив ҳужжатлари, эсдаликлар, интернет материаллари ва ш.к.)ни таҳлил доирасига тортиш, дастлабки қидирув ишлари (архив ҳужжатларини топиш, эсдаликлар ёзиб олиш каби)ни олиб боришни кўзда тутади. Бунда энди талабада мавзуни ёритиш учун зарур манбаларни ажрата билиш, фактларни бир-бирига қиёслаш, жузъий ва умумий ҳолатларни фарқлай билиш, умумлашмалар чиқара олиш сифатларини мустаҳкамлаш, ижодийликни ривожлантириш муҳимдир. Агар талабанинг илмий изланишлари шу тариқа изчил йўлга қўйилса, унда мустақил фикрлаш, конкрет масала юзасидан мустақил қарорлар чиқара олиш малакасини тарбиялаш мумкин бўладики, бу сифатлар бўлғуси мутахассиснинг келажакдаги нафақат илмий, балки бошқа турдаги фаолиятларида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Кафедра бу йўналишдаги изланишларни давом эттириб, келгуси йилдан Андижон (ва қисман водий вилоятлари) тарихи билан боғлиқ мавзуларни ҳам тақдим этмоқчики, бу энди том маънодаги илмий изланиш, талаба билан илмий раҳбарнинг ҳамкорликдаги тадқиқоти бўлиб қолади. Агар шу ишларни йўлга қўя олсак, БМИларнинг сифатини кўтариш билан бирга, тайёрлаётган мутахассисларимизнинг ҳар жиҳатдан етук бўлишига ҳам, фанимизнинг эртанги равнақига ҳам хайрли хизмат қилган бўламиз. Демак, шундагина биз зиммамиздаги вазифани тўкис уддалаган, ўз миссиямизни бажарган бўламиз.

Кафедрада БМИларни бажариш бўйича тўпланган тажрибаларни умумлаштирган ҳолда ушбу ўқув ишини амалга оширишдан кўзланган мақсадга эришиш учун зарур деб билган қуйидаги нуқталарни таъкидлаб ўтмоқчимиз:

1. Талабанинг илмий изланишларини мутахассислик фанлари бўйича бажариладиган курс ишларидан бошлаб изчил, босқичма-босқич амалга ошириш зарур. Бу босқичларнинг ҳар бирида талабанинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мақсадлар қўйиш, имкониятларни "соддадан мураккабга томон" йўсинда ривожлантириб борилади. Бунинг учун талабани камида учинчи курсдан бошлаб муайян мавзуга йўналтириш кўзда тутилади.

2. БМИ мавзуларининг кўчирмакашлик имконини қолдирмайдиган, кўпроқ вилоят тарихи билан бевосита боғлиқ ва қидирув ишларини тақозо этадиган бўлишини таъминлаш керак. Бунинг учун кафедранинг асосий илмий йўналиши билан бирга вилоят тарихи билан боғлиқ ва айтилган талабларга жавоб берадиган бошқа мавзуларни ҳам тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Илмий раҳбарларнинг масъуллигини ошириш, уларнинг фаолиятини талабада ижодий-илмий фаолиятга эҳтиёжни тарбиялаш, ўзининг тадқиқоқтчилик лаёқатини намоён этишга шароит яратиб, унга йўналиш беришдан иборат тарзда ташкил этиш муҳим. Токи илмий раҳбар талабада ҳамкорни кўрадиган, уни ўргатибгина қолмай, керак бўлса ундан ўрганиши мумкинлиги, БМИ ишларни бажариш ҳамкорликдаги ижодий фаолият эканлигини теран ҳис этсин.

Адабиётлар:

1. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами.- Т.: Шарқ, 2001.- Б.319-322
2. Қуронов Д. Битирув малакавий ишлар.- Андижон, 2007

Андижон давлат университети,
2009 йил 18 сентябрда қабул қилинган